

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МОЛИЯСИДА ИЖТИМОЙ СОҲАЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРАФ-ҲАРАЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ ТАРИХИДАН

Хатамова Зумрадхон Назиржоновна, тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори, PhD

Аннотация: В данной статье рассматривается роль финансовой системы Кокандского ханства в обеспечении социальной защиты населения. Особое внимание уделяется анализу расходов ханства на строительство и содержание мостов, больниц, школ и медресе, которые играли важную роль в развитии социальной инфраструктуры. На основе архивных данных показано, что государственные средства целенаправленно направлялись на улучшение условий жизни населения и поддержание социальной стабильности. Статья подчеркивает значимость социального финансирования как неотъемлемой части экономической политики Кокандского ханства.

Ключевые слова: Кокандское ханство, финансовая система, социальная защита, расходы, инфраструктура, мост, больница.

Abstract: This article explores the role of the Kokand Khanate's financial system in providing social protection for its population. Special attention is given to the analysis of expenditures on the construction and maintenance of bridges, hospitals, schools, and madrasas, which were vital components of social infrastructure development. Based on archival data, it is demonstrated that state funds were purposefully allocated to improve living conditions and maintain social stability. The article highlights the importance of social financing as an integral part of the Kokand Khanate's economic policy.

Key words: Kokand Khanate, financial system, social protection, expenditures, expenditures, bridge, hospital

Қўқон хонлиги хазинасига молиявий даромад келтирувчи муҳим манбалардан бири – хонликнинг чекка ҳудудларига сув чиқариш тадбирлари бўлган. Чунки сув таъминланиши орқали ўша ҳудудларда қишлоқ хўжалиги самарадорлиги сезиларли даражада ошган ва бу мамлакат иқтисодиётига узоқ муддатли ижобий таъсир кўрсатган. Сув чиқариш ишлари, жумладан ариқлар, каналлар ва сув тизимлари қуриш орқали ер майдонлари сув билан таъминланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги яхшиланган. Бу эса деҳқонларнинг ҳосилини кўпайтиришга, озиқ-овқат захираларини мустаҳкамлашга ва натижада халқ турмуш даражасининг юксалишига олиб келган.

Айниқса, сув чиқариш билан боғлиқ бу инвестициялар мамлакатнинг чекка, кам сув олинадиган ҳудудларида янги ерларни қишлоқ хўжалигига киритиш имконини берган. Бу ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқаришни ошириб, давлат

хазинасини қўшимча солиқ ва бож тўловлари орқали бойитган. Қўқон хони Умархоннинг 1816-1817 йиллардаги қарорларидан бирида, сўхлик Мир Абдурахим Эшоннинг ариқ қазиб сув чиқариш ишлари учун молиявий ва ҳуқуқий имтиёзлар билан тақдирлангани бундан гувоҳлик беради[3.]. Унга тегишли барча мулклар солиқдан озод этилган ва тархон даражаси берилган. Бу эса сув ресурсларини бошқариш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат сиёсатининг муҳим қисми эканлигини кўрсатади.

Шу тариқа, сув чиқариш тадбирлари нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки кенг миқёсда мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш ва бойитишда асосий роль ўйнаган. Бу соҳадаги инвестициялар ва тадбирлар Қўқон хонлиги иқтисодий салоҳиятининг мустаҳкамланишига ва унинг минтақадаги стратегик аҳамиятининг ошишига хизмат қилган. Демак, сув ресурсларини самарали бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш хонлик хазинасига даромад келтириш билан бирга, аҳоли ҳаёти сифатини яхшилашда ҳам муҳим омил бўлган. Сўхлик Мир Абдурахим Эшон шу ҳудудга ариқ қазиб сув келтирганлиги учун Қўқон хони Умархон унга 1816-1817 йилда миннатдорчилик билдиради. Унга тегишли барча мулкларни солиқдан озод этиб, *тархон*га айлантиради[3.2.].

Фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларини самарали ва барқарор равишда молиявий таъминлаш учун хонлик даражасида ўзгармас, яъни доимий ва мустаҳкам моддий таъминотни яратиш жуда муҳим ҳисобланади. Бу таъминот нафақат аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, балки ижтимоий барқарорликни сақлаш ва давлат бошқарувини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бироқ, бундай мураккаб ва кенг қамровли вазифани ўз мустақилликда амалга ошириш мумкин эмас, чунки бунинг учун катта молиявий ресурслар талаб қилинади. Шу боис, Қўқон хонлигида молиявий манбааларни тўплаш ва самарали тақсимлаш вазифасини хазина бажарар эди.

Хазина ёрдамсиз ижтимоий хизматлар ва моддий таъминот тизимини барпо этиш, аҳолининг турли қатламларига керакли ёрдамни кўрсатиш имконияти сезиларли даражада чекланган бўлар эди. Демак, хонлик хазинаси фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминловчи асосий институтлардан бири саналади. Архив ҳужжатлари таҳлилларидан маълум бўлишича, Қўқон хонлиги хазинасига келиши керак бўлган молиявий даромадлардан баъзан хоннинг ўзи ҳам ўз ихтиёри билан воз кечган ҳолатлар учраган. Бу ҳолатлар тарихий ҳужжатларда аниқ қайд этилган бўлиб, улар ҳукмдорнинг давлат бошқарувидаги сиёсий ва ижтимоий стратегиясига боғлиқ бўлган. Хоннинг молиявий даромадларни рад этиши кўпинча юқори даражадаги

хизматчилар, диний арбоблар ва аслзодалар қатламига солиқ имтиёзлари бериш ёки уларни солиқ ва мажбуриятлардан бутунлай озод қилиш шаклида бўлган.

Бундай қарорлар орқали ҳукмдор ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга, давлат бошқарувидаги асосий гуруҳларни ўз ҳокимияти остида сақлашга ҳаракат қилган. Молиявий жиҳатдан хазина даромадларини камайтиришга қарамасдан, бу имтиёзлар ижтимоий барқарорликни сақлаш ва сиёсий мувозанатни таъминлаш учун зарур деб баҳоланган. Масалан, Қўқон хонлари диний уломоларни, айниқса Короскон қишлоғининг ҳазрат Султон саййид авлиё қабри атрофидаги саййидлар ва хўжаларни солиқдан озод қилганлари ҳақидаги ҳужжатлар шуни кўрсатади[2.1.].

Шу билан бирга, тарихий манбаларда бирор оддий фуқарога ҳам солиқдан вақтинча озодлик берилганлиги қайд этилган ҳолатлар бор. Бундай қарори асосида, масалан, деҳқонларнинг ёки маҳаллий аҳолининг оғир иқтисодий вазиятда молиявий юкдан озод этилиши ижтимоий ёрдамнинг бир шакли сифатида амалга оширилган. Хоннинг ўзидан молиявий даромадлардан воз кечиши давлат ҳокимиятининг инсонпарварлик ва ижтимоий адолатни таъминлашга бўлган интилишини акс эттиради.

Шу тариқа, Қўқон хонлигининг молиявий сиёсати нафақат хазинага даромад келтириш, балки ижтимоий-сиёсий муносабатларни мувозанатлаштиришга ҳам қаратилган бўлиб, бу ҳукмдорнинг давлатни бошқаришдаги ижобий стратегик ёндашувларидан бири бўлган. Масалан, катта амалдор ва дин пешволарини хазинанинг асосий манбаи бўлган солиқ тўловларидан озод этилиши[4.1.]. Бу тадбирда ҳукмдорнинг жиддий ва мураккаб сабаблари бўлган. Аввало, Қўқон хонлари ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга катта аҳамият берганлар. Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, марказлаштириш ва ўзгаларнинг таъсирини камайтириш мақсадида, улар аслзодалар ва йирик мулкдорлар қатламини ўз томонига ўгиришга ҳаракат қилганлар. Бу йўл билан ҳукмдорлар аслзодаларнинг молиявий қўллаб-қувватлови ва садоқатини таъминлаб, ички сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаганлар.

Шунингдек, аслзодалар ва юқори зўрликка эга бўлган элита қатлами давлат бошқарувида муҳим рол ўйнайди. Улар ҳукмдорнинг бошқаруви учун зарур бўлган ҳарбий ва маъмурий хизматларни бажарган, шу боис уларнинг садоқатини қўллаб-қувватлаш давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган. Солиқдан озод қилиш ва бошқа имтиёзлар орқали ҳукмдор бу элита қатламларини ўз томонига қаратишга, уларнинг қўллаб-қувватлашини кучайтиришга ҳаракат қилган.

Бундан ташқари, ҳукмдор ижтимоий мувозанатни сақлаш ва ноўрин норозиликларни олдини олиш мақсадида ҳам бундай чораларни кўрган.

Солиқдан озод қилиш ёки имтиёзлар бериш орқали у мамлакатдаги муҳим ижтимоий гуруҳларни рағбатлантириб, уларнинг давлатга содиқ бўлишини таъминлаган. Бу эса, ўз навбатида, ички зиддиятлар ва норозиликларни камайтиришга, мамлакатни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор сақлашга ёрдам берган.

Шу билан бирга, бу сиёсий йўналиш ҳукмдорнинг ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва кўшимча мустақил кучлар пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган услуби сифатида ҳам қаралади. Аслзодалар қатламини ўз тарафдагилар қаторида сақлаш орқали у марказий ҳокимиятнинг кучини оширган ва давлат бошқарувида ўз устунлигини таъминлаган.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон хонларининг бундай молиявий ва ижтимоий имтиёзларни бериш сиёсати уларнинг давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ички барқарорликни сақлаш ва аҳолининг муҳим ижтимоий гуруҳлари билан яқин муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган стратегик ҳаракатлари бўлган. Бу тадбирлар орқали ҳукмдор ўз давлатида барқарорликни таъминлаш ва миллий манфаатларни ҳимоя қилишга интилишни амалга оширган. Мамлакат ташкил топган илк кунлариданоқ диний уломолардан Короскон қишлоғининг ҳазрат Султон саййид авлиё қабри ва унга тегишли ерлар, шу қишлоқ саййидлари ва ҳўжалар Қўқон хонлари томонидан турли солиқлардан озод этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд. Унга кўра, Шохрухбий даврида Короскон қишлоғидаги Ҳазрат Султон Саййид мазорига шахсан Шохрухбий назр этгани ва юртнинг барча тақлифларидан озод бўлгани амр этилган фармони келтирилганлигини билиш мумкин¹. Шу фармонга кўра Олимхон томонидан ҳам Короскон саййидлари солиқ ва мажбуриятдан озод этилган. Муҳаммадалихон томонидан ҳам шу қишлоқ саййидларига солиқ имтиёзлари берилган. Худоёрхоннинг ўғли Саййид Муҳаммад Насриддинхон муҳри қўйилган ҳужжатда ҳам Короскон саййидлари солиқ ва мажбуриятдан озод этилганликлари қайд этилган[2.2.]. Солиқдан узоқ йиллар мобайнида озод этилишининг аниқ сабаби нима бўлишидан қатъий назар, архив ҳужжатларида ушбу имтиёзлар натижасида давлат хазинасидан катта маблағларнинг рад этилганлиги аниқ акс этган. Молиявий таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу солиқ имтиёзлари давлат даромадларини сезиларли даражада камайтирган бўлса-да, ҳукмдорлар бу қарорни ижтимоий, сиёсий ёки диний сабабларга кўра қабул қилишдан тортинмаганлар. Бу эса, уларнинг давлат бошқарувидаги ўзгарувчан ва мураккаб шароитларни инобатга олган ҳолда, мувозанатли ва стратегик йўл тутишга интилишларидан далолат беради.

¹ Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер сув масалаларига доир. – Б. 150, 151.

Бундан ташқари, архив манбаларида бундай имтиёзлар нафақат юқори даражали аслзодалар ва диний арбоблар учун, балки оддий фуқароларга ҳам бир неча маротаба берилганлиги маълум бўлади. Масалан, қишлоқ аҳолисининг оғир иқтисодий аҳволини енгиллаштириш мақсадида айрим йилларда уларнинг солиқлари камайтирилиши ёки бутунлай олиб ташланиши ҳолатлари қайд этилган. Бу каби имтиёзлар ижтимоий барқарорликни сақлаш, аҳоли ҳаётидаги муаммоларни камайтириш ва давлатга бўлган садоқатни оширишга хизмат қилган.

Шу билан бирга, ушбу қарорлар молиявий йўқотишлар билан бирга, узоқ муддатли давом этган ижтимоий-сиёсий барқарорликка ва давлат ҳокимиятининг мустаҳкамланишига олиб келганлиги таҳлилларда кўрсатилади. Бу эса Қўқон хонлигида ҳукмдорлар томонидан фақат молиявий манфаатлар эмас, балки давлатнинг умумий ривожланиши ва ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадлари ҳам устувор эканлигини кўрсатади. Ўзбекистон Миллий архивининг И-1043 фондида сақланадиган 1-рўйхат, 1107-ишнинг 1-варағида Худоёрхоннинг сафар вақтида бир деҳқоннинг ҳосилини отлари нобуд қилиб ўтади[5.1.]. Шунда, бу йилги танобона солиғидан озод қилиниши тўғрисида хон буйруқ берганлиги ҳақида маълумот берувчи ҳужжат мавжуд. Унга кўра, Эшон Тўражон тўра исми келтирилган шахсдан қовун экилган деҳқончилик майдонидан танобона солиғини олмаслиги буюрилган. Ҳужжат 1874-1875 йилга оид бўлиб, унга Мулла Хўжаназар муҳри тушурилган[5.2.].

Ижтимоий ҳимоя — ҳар бир давлатнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, унинг мазмуни халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий адолатни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Қўқон хонлиги молия тизимида ижтимоий ҳимоя масаласи алоҳида эътиборга молик бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Хонлик хазинасидан ажратилган маблағлар асосан аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиб, бу йўналишда кўприклар, шифохоналар, мактаб ва мадрасалар қурилиши каби муҳим ижтимоий инфратузилмаларни ташкил этишга катта эътибор берилган.

Қўқон хонлигида кўприкларни қуриш ва таъмирлаш давлат томонидан ижтимоий иқтисодий фаолиятнинг муҳим қисми сифатида баҳоланган.

Қишлоқ хўжалиги ва савдо йўналишлари учун йўл ва кўприклар инфратузилмаси аҳамиятли бўлиб, уларнинг сақланиши ва ривожлантирилиши учун хазинадан молиявий ёрдам ажратилган. Бу эса молия тизимининг иқтисодий барқарорликка ҳиссасини оширишга хизмат қилган.

Шифохоналарнинг ташкил этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатиши аҳоли соғлиғи ва ижтимоий муҳофазаси учун муҳим бўлган. Хазинадан ажратилган маблағлар шифохоналарнинг қурилиши, керакли анжом ва доривор воситалар

билан таъминлашга сарфланган. Бу қадамлар аҳолининг саломатлик даражасини ошириш ва эпидемиялар, касалликлар билан курашишда қўл келган.

Мактаб ва мадрасалар қурилиши ҳам ижтимоий ҳимоя тизимида устувор вазифа сифатида қаралган. Молиявий маблағлар таълим муассасаларини барпо этиш, ўқитувчилар маоши ва таълим жараёнини ташкил этишга йўналтирилган. Бу давлат томонидан билим ва маърифатга бўлган катта эътиборнинг белгиси бўлиб, келажак авлоднинг маънавий ва маданий ривожланишига замин яратган.

Шунингдек, архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, Қўқон хонлиги молия тизимида ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришга қаратилган маблағлар тизимли равишда ажратилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида режали чора-тадбирлар амалга оширилган. Бу эса хонликнинг ижтимоий сиёсатдаги ижобий ёндашувини ва халқ фаровонлигига қаратилган ёндашувини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон хонлиги молия тизимида ижтимоий ҳимоя соҳасига ажратилган сарф-харажатлар давлатнинг иқтисодий ва маданий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган. Кўприклар, шифохоналар, мактаб ва мадрасалар қурилишига йўналтирилган маблағлар на фақат моддий инфратузилмани, балки халқ ҳаёти сифати ва маънавий юксалишини ҳам таъминлаган. Бу эса Қўқон хонлигининг ўз замонида ижтимоий адолат ва халқ манфаатларини устуворликда тутганлигини яққол намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Бобобеков Х. «Қўқон тарихи». Тошкент: Ўзбекистон Миллий нашриёти, 2010.
- 2.Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер сув масалаларига доир. – Б. 150, 151.
- 3.Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. – С. 101.
- 4.Хатамова З.Н.Қўқон хонлигида солиқ тизими. Тарих фанлари бўйича ф.д.диссертацияси. Фарғона 2022. – Б.216.
- 5.ЎзМА, И-1043-фонд, 1-рўйхат, 1106-иш, 1-варақ.

*Хатамова Зумрадхон Назиржоновна, САМУ Халқаро Тиббиёт
Университети Ижтимоий фанлар ва жисмоний маданият кафедраси
доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, тел: +998903030182*